ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

25 июль, шанба 1998 йил №87(589)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

3 TV РАСТУРИ

4 СЎНГГИ ИХЛОС ҚУДРАТИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

23 июль куни Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда 1998 йил биринчи ярим йиллигида иқтисодий ислоҳотлар устивор йўналишларининг амалга оширилиши ва Ўзбекистон Республикаси нинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Республика Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов, Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен, «Узмевасабзавотузумсаноат-Холдинг» компанияси раиси Б. Носиров, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари И. Бобожонов муҳокама этилган масалалар хусусида ахборот берди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раиси Э. Ҳалилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Биз бугун ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг биринчи ярим йилликдаги якунларини кўриб чиқиб, биринчи навбатда иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг 1998 йил учун белгиланган устивор йўналишлари нечоғли тўлиқ ва самарали амалга оширилаётганига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Шуни таъкидлашни истардимки, биз учун фақатгина кўрсаткичлар, айрим корхона, тармоқ, боринг-ки, иқтисодиётнинг бутун бир мажмуалари эришган натижаларнинг рақамларини таҳлил этиш асосий мақсад эмас. Биз учун жамиятимиз тараққиётида, иқтисодиётимиз ривожланишида, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёнида кўзга ташланаётган ижобий жиҳатларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, биз иқтисодиётимизда мавжуд бўлган муаммоларнинг таҳлилига, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини топишга, заиф томонларини танқидий баҳолаб, уларни ҳал этишнинг самарали йўл ва услубларини излашга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Такрор ва такрор айтаман, бизнинг мақсадимиз қўлга киритилган натижаларни бўяб-бежаб кўрсатиш эмас, балки, авваламбор холис ва танқидий баҳолаш асосида мавжуд муаммоларнинг шакл-мазмуни ва мураккаблигини аниқ тасаввур этиш, уларни ечиш ва пировард мақсад йўлидаги ҳаракатимизнинг аниқ йўналишларини, уфқларини белгилаб олишдан иборатдир.

Ўтган ярим йиллик мобайнида ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини шу нуқтаи назардан баҳолар эканмиз, энг аввало, қуйидаги масалаларга эътиборингизни қаратган бўлардим.

Шубҳасизки, сўнгги вақтларда иқтисодиётимизда, жамиятнинг ташкилий ва бошқарув тизимида, умуман кундалик ҳаётимизда рўй бераётган муайян ижобий ўзгаришларни сезмаслик мумкин эмас. Улар нималардан иборат?

Биринчидан, иқтисодиётимиздаги ижтимоий ривожланиш тамойиллари нафақат мустаҳкамланди, балки янада яққолроқ кўрина бошлади. Макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди. Тўлов интизоми яхшиланди. Иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқларидаги мутаносиблик ва барқарорлик кучайди. Яхши биласизларки, биз айни шу вазифаларни 1998 йил учун бош устивор йўналишлар сифатида белгилаган эдик.

Бундай хулоса чиқариш учун қуйидаги кўрсаткичлар асос бўлмоқда. Аввало, иқтисодиётнинг умумий ҳажмини белгиловчи, энг муҳим иқтисодий кўрсаткич бўлган ялпи ички маҳсулот ҳажми ижтимоий ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган ялпи ички маҳсулотнинг 1,3 фоизи миқдорида бўлишига эришиш учун замин яратди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз аҳолисининг манфаатларини ҳимоя қилишда, шунингдек, бюджетни тўлдиришда спирт ва бошқа алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва бу борада давлат монополиясини кучайтириш бўйича биз кўрган чора-тадбирлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу чоралар аввало кишилар соғлиги учун хавфли, сифати паст, қаерда ишлаб чиқарилгани номаълум бўлган спирт, арақ, вино маҳсулотларининг контрабанда йўли билан Ўзбекистон бозорларига кириб келишига йўл қўймасликка қаратилган эди.

Ўтган қисқа вақт мобайнидаёқ республикада ишлаб чиқарилаётган алкогол маҳсулотларидан бюджетга тушадиган тўловлар январь-май ойларидаги ўртача ойлик кўрсаткичларга таққослаганда 35 фоиз кўпайди. Фақат шу манбадан июнь ойида бюджетга қўшимча 1,4 миллиард сўм маблағ тушди. Омборлардаги спирт ва тайёр маҳсулот қолдиқлари камайиб, товар айланиши ортди.

Иккинчидан. Инвестиция фаолиятини кенгайтириш ҳисобидан иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар собитқадамлик билан амалга оширилмоқда. Фақат биринчи ярим йилликда иқтисодиётга ёткизилган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 12 фоиз ортди ва 150 миллиард сўмга етди. **Бу ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирига тенгдир. Сармояларнинг 55 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳаларини, айниқса транспорт ва алоқа, ёқилғи-энергетика мажмуи, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга йўналтирилди.**

Ярим йиллик давомида иқтисодиётимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотларда қурилиш ишлари фаол олиб борилди. Шўртан газкимё мажмуи, Хўжаобод ер ости газ омбори қурилишлари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш, Кўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, «УзДЭУавто» қўшма корхонаси учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ва бошқа бир қатор иншоотларда амалга оширилган ишлар шулар жумласига киради.

Тижорат банклари фаолиятида, улар ўтказаётган кредит сиёсатида ҳам ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Яқин-яқинда банклар ажратган маблағларнинг 90 фоизини қисқа муддатли тижорат кредитлари ташкил этар эди. **Бугунги кунда кредит ресурсларининг ярмидан ортиғи узоқ муддатли, иқтисодиётнинг устивор тармоқларидаги инвестиция лойиҳаларини молиялашга сарфланмоқда.** Айни пайтда банкларнинг устама фоизлари барқарорлигича ойига 3 фоиз миқдорида сақланиб турибди.

Учинчидан. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш борасидаги ишлар фаоллашди. Бунда ҳукумат даражасида тузилган махсус комиссиялар фаолияти, корхоналар ва бутун бир тармоқларни қайта тузиш, кам самарали ишлаб чиқаришларни санация қилиш борасида кўрилган чора-тадбирлар сезиларли роль ўйнади. Хўжалик судларининг банкрот бўлган корхоналарга нисбатан тутган қатъий ва дадил позицияси яхши самара берди.

Фақат бир-икки мисол келтираман.

Хабарингиз бор, қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш ҳақида қабул қилинган қонун асосида йил бошида 104 та қишлоқ хўжалик корхонасини молиявий соғломлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилган эди. Шу мақсадда санация бўйича республика ва вилоят комиссиялари тузилди. Санация қилинадиган барча хўжаликларга четдан бошқарувчилар тайинланди.

Санация жараёни икки йилга мўлжалланган бўлсада, бугуннинг ўзидаёқ муайян натижаларга эга бўлдик. Санация қилинаётган корхоналардан биронтаси биринчи ярим йилликни зарар билан якунлагани йўқ, аксинча, уларнинг кўпи фойда олди. 70 хўжаликда бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ўтган йилга нисбатан 1,2 баробардан 7 баробаргача ортди.

Муҳими қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан қарийб 40 минг киши ортиқча ишчи кучи озод этилди. Демак, молиявий соғломлаштиришдек мураккаб масалага ҳам жиддий ёндошилса, ҳалигача маълум бўлмаган катта имкониятларни қидириб топиш мумкин экан. Фақат бу иш билан мунтазам ва жиддий шуғулланиш даркор.

Бошқа бир мисол. Бошқарув тизимини ўзгартириш, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини ошириш ҳисобидан ҳам салмоқли ишлаб чиқариш ва молиявий натижаларга эришиш мумкин. Бунга ярим йилликни зарар кўрмай якунлаган Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги яққол далил бўла олади. «Узқурилишматериаллари» компаниясида эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 17 фоиз, баланс даромади эса 44 фоиз ортди. Кўряпсизки, бу ерда ҳам талай имкониятлар бор экан.

Тўртинчидан. Ўзбекистоннинг жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалари кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Республикамиз жаҳон бозорида тобора нуфузли ва ишончли шерик, дунёдаги хўжалик муносабатлари тизимида фаол қатнашчига айланмоқда. Бунинг учун барча зарур ҳуқуқий ва амалий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бунга «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» иккита янги қонуннинг қабул қилиниши, жаҳоннинг 35 мамлакати билан савдо-иқтисодий ҳамкорликда қулай шарт-шароит яратиб бериш тўғрисида битим имзолангани, Вашингтонда Ўзбекистон-Америка комиссиясининг биринчи мажлиси ўтказилгани, АҚШ, Япония, Исроил каби бир қанча мамлакатларда қатор конференция ва бизнес-семинарлар ташкил этилгани ёрқин мисол бўла олади.

Халқаро валюта фонди, жаҳон банки, халқаро молия корпорацияси, Европада ҳамкорлик бўйича комиссия, Осиё банки каби бир неча халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Шу йилнинг ўзида жаҳон банкининг директорлар кенгаши корхоналарни ташкилий ўзгартириш ва хусусийлаштиришдан сўнг қўллаб-қувватлаш лойиҳаси бўйича 28 миллион долларлик маблағ ажратиш ҳақидаги битимни имзолади. Тошкент шаҳрининг санитария ҳолатини янада яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш лойиҳалари бўйича иш давом этмоқда.

Осиё ривожланиш банки билан транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, маориф ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш борасида лойиҳалар тайёрлаш ва амалга ошириш хусусида келишувга эришилди. Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётлари чиқариш тизимини такомиллаштириш бўйича 40 миллион долларлик имтиёзли кредит ҳақида шартномалар қабул қилинди.

Ташқи савдо фаолиятида, экспорт ва импорт тизимида рўй бераётган ижобий силжишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Биринчи ярим йилликда ташқи савдо оборотининг савдо қолдиғи ижобий бўлиб, у 200 миллион АҚШ долларидан ортди. Айни вақтда олтин-валюта захираларимиз сақлаб қолинди. Мамлакатнинг тўлов баланси мустаҳкамланди.

Юқори даражада қайта ишланган маҳсулотларни экспорт қилиш тамойили янада кучайди. Хусусан, механик асбоб-ускуналарни экспорт қилиш 4,5 марта, электр жиҳозлар, жумладан, телевизорлар, видеомагнитофонлар ва аудиотехника экспорти — 2,6 марта, трикотаж матоларини четга сотиш — 2 мартадан зиёд ортди.

Бошқа маҳсулотлар — автомобиллар, кимёвий буёқ ва лаклар, гиламлар ва бошқа буюмлар экспорти ҳам кўпайиб бормоқда. **Импорт тизимида 70 фоиз маҳсулот ишлаб чиқариш техника йўналишига тўғри келади. Шундан 48 фоиздан кўпроғи машина ва ускуналардир. Бу тамойилни келажакда ҳам мустаҳкамлаш зарур.**

Бешинчидан. Жорий йилда 1998 йилнинг бош вазифаси деб эълон қилинган оила манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлаш бўйича давлат дастурини бажаришга алоҳида эътибор берилди.

Оилаларнинг, аҳолининг ва ҳар бир инсоннинг фаровонлигини таъминлаш борасида ҳукумат томонидан қандай аниқ, амалий ишлар қилинди?

Биринчидан, оилавий муносабатларнинг қонуний асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини қонуний муҳофаза қилиш, оналик ва болалик ҳуқуқини таъминлаш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Умумҳалқ муҳокамасидан кейин Узбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинди.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, кўплаб вилоят ҳокимликларида оилавий муносабатлар муаммоси билан шуғулланадиган хўжалик ҳисобида ишлайдиган маслаҳат хизмати ташкил этилди. Республика аҳолисини ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш, оилавий низолар ва ажралишлар тўғрисидаги суд амалиётини ўрганиш борасида фаол иш олиб борилмоқда. Олий суд пленуми бу йўналишдаги ҳуқуқий ишларни яхшилаш бўйича таклифларни кўриб чиқиши керак.

Иккинчидан, оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш, соғлиқни муҳофаза қилиш, оила аъзоларининг маълумот даражасини юксалтириш учун зарур шарт-шароит яратиш соҳасида ҳам ижобий силжишлар бор.

Болалардаги туғма касалликларнинг олдини олиш ва камайтириш бўйича дастур қабул қилинди. Қишлоқ врачлик пунктларини зарур ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Оилавий жисмоний тарбия ҳаракатини кенгайтириш борасидаги ишлар фаоллашмоқда, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича олимпиадалар ўтказилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси қоидаларини рўёбга чиқариш, ерга оид муносабатлар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ер ресурсларини бошқариш структурасини такомиллаштириш ва ер фондидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар ташкил қилинсин:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ер тузиш ва ердан фойдаланиш Бош бошқармаси билан ердан фойдаланишни назорат қилиш бўйича Давлат инспекцияси негизида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси;тегишли ҳудудий ер тузиш хизматлари негизида Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурслари бошқармаси, ер ресурслари вилоят бошқармалари ва туман хизматлари.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ерга оид муносабатларни тартибга солиш, ер тузишни, ерлар мониторингини амалга ошириш, давлат ер кадастрини юритиш ҳамда ерлардан фойдаланишни назорат қилиш ва уларни муҳофаза этиш соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради;

ер ресурслари бўйича ҳудудий бошқармалар ва хизматлар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасига бўйсунадилар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоят ҳокимликларига ҳисобот берадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ва ерга оид қонунчиликнинг бошқа ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, ердан фойдаланиш, уни сақлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ер фондидан фойдаланишни яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш борасидаги Миллий дастурни ишлаб чиқиб, амалга ошириш ҳамда ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида йиллик Миллий ҳисоботни тайёрлаш;

бозор иқтисодиётини ривожлантириш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш талабларига мувофиқ ерга оид муносабатлар тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ер тузишни ташкил этишни, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, ер ресурсларига бериладиган баҳони ҳисобга олишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, амалга ошириш, қулай экология муҳитини вужудга келтириш ва табиат манзараларини яхшилаш;

ер фондининг ҳолатини кузатиб бориш, ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларни баҳолаш, ерга салбий таъсир ўтказиш жараёнлари оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида ерлар мониторингини амалга ошириш;

давлат ер кадастрини ташкил этиш ва юритиш, ерга бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш, давлат ҳокимияти органларини, юридик ва жисмоний шахсларни ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат хусусиятлари, ер участкаларининг қаерда жойлашгани ва ҳажмлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар бўйича тақсимланиши тўғрисида ҳаққоний маълумотлар ва ҳужжатлар билан таъминлаш;

ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш, юридик ва жисмоний шахслар, бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият органлари қонун талабларига риоя этишларини таъминлаш, йўл қўйиладиган бузилишларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриш;

ер тузишни ташкил этиш борасидаги энг янги жаҳон технологияларини ўрганиш ва жорий этиш, ердан фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш соҳасидаги илмий тадқиқотларни таъминлаш;

ер тузиш, давлат ер кадастри ва тупроқшунослик соҳасида банд бўлган мутахассислар тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ўз ваколати доирасида қабул қиладиган қарорлар барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этиш учун мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги техник инвентаризация республика ва ҳудудий кадастр бюролари ер тузиш, ердан фойдаланиш, шаҳарлар ҳамда қишлоқларнинг ерларини баҳолаш ва уларнинг мониторинги масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасига ҳисобот берадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ер тузиш бўйича Давлат илмий-лойиҳа институти «Ўздаверлойиҳа» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тупроқшунослик ва агрохимия институти Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси таркибига ўтказилсин.

«Ўздаверлойиҳа» илмий-лойиҳа институти ҳамда Тупроқшунослик ва агрохимия институти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бажарадиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроқ ва геоботаника ишлари топография ишларига тенглаштирилиши ҳамда қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши белгилаб қўйилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 24 июль.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда ватанига, халқига фидокор, мустақил фикрлайдиган, масалаларни онгли равишда масъулият билан ҳал қила оладиган, изланувчан, янгиликка интилувчи ва истиқлол ғояларига садоқатли авлодни вояга етказишга қаратилган қатор тадбирлар тизими ишлаб чиқилди. Ислоҳотларнинг тақдири ва самараси учун жавобгар, юртимизнинг эртанги куни ва истиқболи учун фидойи шахсларни шакллантириш борасида устувор давлат сиёсати юритилмоқда. Ягона ғоя - Миллий истиқлол мафкураси мавжуд интеллектуал имкониятларни ишга солишга, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга, олийжаноблик туйғуларини чуқурлаштиришга, шонли ўтмишга ҳурмат ва порлоқ келажакка ишонч ҳисларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга маънавий-маърифий ислоҳотларнинг моҳиятини ҳамон теран англамаслик, расмиятчилик, тадбирбозлик ва кампаниябозлик иллатларининг мавжудлиги, ташаббускорликнинг етишмаслиги, ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга жалб этишда қатъиятсизлик, кишилар онгини ўзгартиришнинг халқчил ва таъсирчан усулларидан фойдалана билмаслик ҳоллари кўзга ташланмоқда.

Ана шу нуқсонларни ҳисобга олиб, маънавий-маърифий ишларга дахлдор бўлган тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятларини мувофиқлаштириш ҳамда улар ишининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Маданий-маърифий ишлар билан шуғулланувчи давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш, ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳиятини тарғиб этиш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда маъмуриятчилик ва расмиятчилик усулларидан воз кечолмаётганликлари ҳамда сусткашликка йўл қўяётганликлари кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи барча муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ишлари замон талабларига жавоб бермаётганлиги таъкидлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг жойларда маънавият ва маърифат билан боғлиқ ишларнинг аҳамиятига етарли даражада эътибор бермаётганлиги, истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилишда маҳаллий зиёлилар, адабиёт, санъат намояндалари ва обрўэътиборли фаолларни жалб этишни ижчил йўлга қўймаётганлиги таъкидлансин. Улар ўз фаолиятларини «Нуроний», «Камолот», «Маҳалла», «Наврўз», «Олтин мерос», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ва ижодий уюшмалар билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб бормаётганликлари қайд этилсин.

3. Мутасадди давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган «Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар дастури» маъқуллансин.

4. Ҳокимият ва тегишли давлат тузилмалари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар алоқадор корхона ва ташкилотлар мазкур дастурдаги вазифаларнинг аниқ ва тўлиқ бажарилишини таъминлашга қаратилган ўз тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

5. Дастурни амалга оширишни таъминлаш мақсадида мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ таркиби тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси Дастурда белгиланган тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда амалий фаолият кўрсатиш, тегишли ташкилотларнинг миллий маънавият, маърифат ва истиқлол мафкурасини кенг тарғиб қилишини ташкил этиш, тарғиботташвиқот ишларини кучайтириш ва таъсирчанлигини ошириш чораларини кўришдан иборат эканлиги қайд этилсин.

Жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида шундай ишчи гуруҳлар тузилсин.

6. Мавжуд камчилик-нуқсонларни бартараф этиш ҳамда соҳани энг замонавий тушунчалар ва миллий тафаккурга эга бўлган, ўз фаолиятида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштира билган, етарли сиёсий ва ташкилотчилик малакасини эгаллаган ёш кадрлар билан таъминлаш мақсадида маънавий-маърифий ишларга дахлдор ташкилотларнинг барча бўғинлари раҳбарлари 1998 йилнинг 1 ноябригача аттестациядан ўтказилсин. Аттестациядан ўтказиш ушбу қарорда белгиланган ишчи гуруҳи зиммасига юклансин.

7. Маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириб бориш, унинг мазмуни, шакли, мавзу доираси ва савиясини ўз вақтида таҳлил қилиб, ўрганиб, тавсиялар ишлаб чиқиш, тарғибот-ташвиқот ишларининг давомийлигини, узвийлигини ва узлуксиз фаолиятини таъминлаш мақсадида «Мулоқот» жамоатчилик кенгаши тузилсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. «Мулоқот» жамоатчилик кенгаши «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, унинг жойлардаги бўлимлари, тегишли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда таниқли адабиёт, санъат, фан ва маданият арбоблари иштирокида бевосита аҳоли турар жойларида, маҳаллаларда, ўқув юртларида, корхона-муассасаларда мунтазам равишда оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, тарғибий-ташвиқий ва маданий тадбирлар ўтказишни йўлга қўйсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда ҳозирги замон илғор ғояларини эгаллаган, ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаган, миллий истиқлол мафкурасини бутун кўлами билан тушуниб етган зиёлилардан иборат «Фидойилар» клуби тузилсин ва унинг тўла қувват билан ишлаши таъминлансин. Клуб ишини мувофиқлаштириш «Мулоқот» жамоатчилик кенгашлари зиммасига юклатилсин.

9. Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари дастурда белгиланган тадбирларнинг маънавий-маърифий баркамол жамият ва ҳуқуқий-демократик давлат асосларини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини, шунингдек, бу тадбирларнинг амалий натижаларини кенг тарғиб этсинлар.

10. Молия вазирлиги Дастурда кўзда тутилган тадбирлар учун маблағ ажратиш масаласини ҳал этсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов ва Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 24 июль.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ – ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Учинчидан, оиланинг иқтисодий манфаатларини, бандлик даражасини таъминлаш, уй меҳнати ва турмуш шароитини яхшилаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Бандлик ҳудудий дастурларига мувофиқ ўтган давр мобайнида 183 минг янги иш ўрини ташкил этилди. Шундан 112 мингтаси қишлоқ жойларида экани диққатга сазовордир. 1600 нафар ногирон, 7 минг нафарга яқин ёш болали аёллар ишга жойлаштирилди.

Ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш ҳажмлари оила манфаатлари бизнинг мамлакатимизда нақадар устивор эканига яққол мисол бўла олади. Биринчи ярим йилликда 4 миллион квадрат метр уй-жой қуриб битказилди. 2,5 минг километр газ, 1000 километрдан зиёд сув узатиш тармоқлари ишга тушди, бир сменада 7 минг кишига хизмат қиладиган шифохона ва бошқа иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Жорий йилнинг 1 июлидан ойлик маош ва стипендиялар ўртача 1,5 баравар, пенсиялар эса 1,6 баравар оширилди.

Тўртинчидан, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ҳамда маданий манфаатларини таъминлаш учун етарли шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика матбуоти саҳифаларида оила маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи янги рукнлар очилди. Радио ва телевидение орқали бу мавзуга бағишланган кўрсатув ва эшиттиришлар мунтазам бериб борилмоқда. Оила байрамларини, турли кўргазма ва кўрик-танловларни ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Оила муаммоларининг илмий, ижтимоий тадқиқотини чуқурлаштиришда оила илмий-амалий марказининг ташкил қилиниши катта аҳамиятга эга.

Ҳукумат, маҳаллий ҳокимият органлари оила манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурий тадбирларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилишлари, оилани мустаҳкамлаш, унинг моддий фаровонлигини оширишга ёрдам бераётган жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари зарур. **Бирон-бир раҳбарнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқ эканини биз айнан мана шу нуқтаи назардан, яъни шаҳар ва қишлоқ, туманларнинг ижтимоий қиёфаси, оилаларнинг турмуш тарзи қандай ўзгараётганига қараб баҳолаймиз.**

Муҳтарам дўстлар!

Жорий йилнинг ўтган даври ва умуман кейинги йилларни сарҳисоб этарканмиз, эътиборингизни қуйидаги масалаларга қаратмоқчиман.

Мамлакатимизда маош вақтида тўланаётгани, нафақа ва тўловлар кечиктирилмай берилаётгани биз учун табиий ҳолга айланаётганига эътибор ҳам бермай қолдик. Ваҳоланки, қатор ҳамдўстлик давлатларида иш ҳақи ва нафақаларнинг ўз вақтида берилмаслиги, ночорликдан натура тўлови жорий қилинаётгани, яъни иш ҳақи гўшт, буғдой, айрим жойларда ҳатто четдан келтирилган банан ва бошқа маҳсулотлар шаклида тўланаётгани ҳам бор ҳақиқат.

Мамлакатимизда ўзаро тўловларни жиловлаш ва хавфли чегарадан ўтиб кетмаслиги, изчил иқтисодий ривожланиш таъминланмоқда. Инфляция ва давлат бюджети камомади белгиланган даражада сақланиб қолмоқда. Ички ва ташқи давлат қарзи ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизини ташкил этмоқда, холос.

Буларнинг барчасини макроиқтисодий мутаносибликнинг яққол далили деб қабул қилсак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда эришилган ривож суръатлари, молиявий ва ижтимоий барқарорлик биз танлаган ва олиб бораётган ислоҳот ва янгиланиш сиёсати тўғри эканлигининг исботидир.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, ўзларининг фидойи меҳнатлари билан жорий йилда ғалладан юксак ҳосил етиштирган миришкор деҳқонларимизга, қишлоқ хўжалиги ходимларига мурожаат қилиб, уларга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этишдан ғоят мамнунман. Улар ҳозиргача давлатга 2 миллион 100 минг тонна ёки ўтган йилдагига нисбатан 300 минг тонна кўп ғалла топшириб, Ўзбекистонимизнинг ғалла мустақиллигига катта ҳисса қўшдилар.

Бу улкан хирмон, бу ютуқ, энг аввало, қишлоқда олиб борилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар, замонавий агротехнологиялар ва техника қўлланиши, уруғ танлаш ва етиштириш соҳасидаги илғор дунё тажрибасидан фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини ўстириш натижасида қўлга киритилди.

Ўз меҳнати, қадоқ қўллари билан бу бойликни яратаётган ва мамлакатимиз халқининг ризқи-рўзини таъминлаётган ғаллакорларимизни яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Албатта, эришилган ютуқлардан кўз юмиб бўлмайди. Аммо ҳозир биз бу хусусда эмас, балки ҳаммамизни ташвишлантираётган муаммолар ҳақида кўпроқ фикр юритсак тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Мавжуд вазиятни танқидий баҳолар эканмиз, ислоҳотлар йўлида дадил боришимизга халқит бераётган, бизни орқага сураётган муаммоларнинг туб сабабларини аниқлаш, улардан тегишли хулоса чиқариш жуда муҳимдир.

Тўғри, мазкур муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида кўп гапирганмиз. Афсуски, амалий ишга ўтишимиз жуда қийин бормоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд камчиликлар ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида қайта-қайта гапиришга мажбур бўлмоқдамиз.

Хўш, бу нуқсонлар нималардан иборат?

Биринчидан. Бозор иқтисодиёти асосларини яратишга қаратилган ислоҳотлар жараёни бошланганига қарийб 7 йил бўляпти. Лекин, давлат ходимларимизнинг, аввало барча даражадаги раҳбарларнинг тафаккури катта қийинчиликлар билан жуда секин ўзгармоқда. Ҳаётимизнинг янги шарт-шароитларини эски, қотиб қолган услуб ва йўл-йўриқларга бўйсундириш ва мослаштиришга уриниш яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзларингиз бир эътибор беринг. Республикамизда мазмун-моҳиятига кўра бозор иқтисодиёти талабларига мос тушадиган тамоман янги иқтисодий муносабатлар шакланмоқда. Эски режали бошқариш ва тақсимлаш, маъмурий-буйруқбозлик тизими ўтмишга айланмоқда. Госплан, Госснаб деган идоралар ҳам, лимит, фонд деган тушунчаларга ўрин қолмади. Ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишнинг бутунлай янги, бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган тизими шакланмоқда.

Янги молия бозори, банк тизими, бозор инфратузилмаси ташкил этилди, фонд бозори ишлаб турибди. Корхоналар ўз фаолиятини янги бозор қоидалари ва механизмларига суяниб қайта ташкил этмоқда. Аммо, афсуски, яна такрорлайман, кўпгина одамлар, аввало раҳбар ходимлар ҳамон эскича фикрлашмоқда.

Бунинг сабаби эса битта, кимлардир эски оқим таъсирида қолмоқда, кимдир ўзи жуда қўйиқ қолган эски замонни қўмсаяпти. У замон қанақа замон эди ? ўзларинг яхши биласизлар. Маркетинг, менежментнинг замонавий услублари ҳеч кимни қизиқтирмас, янги-янги харидор ва бозор топиш, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш, бунинг учун ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялаш лойиҳаларининг молиявий манбаларини қидириб топиш, кредит ҳақида ҳеч ким бош қотирмасди. Кескин рақобат шароитида ўнгланиш йўлларини излаш, кишиларнинг кўлини ишдан совутмаслик учун меҳнатига яраша маош тайинлаш, иш шароитини яхшилаш, замон талабига қараб ишлаш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизими амал қилган даврларда ҳеч кимга керак бўлмаган маҳсулотлар босиб кетар ва бундан келадиган зарар давлат ҳисобидан қопланар эди.

Минг афсуски, мана шундай қарашлар, шўролар замонидан қолган, ташаббус, тадбиркорликдан мутлақо йироқ бюрократик кайфияти бизга панд бермоқда.

Ҳали-бери, давлат нархнаво билан мунтазам кураш олиб бориши керак, бозор нархларини назорат қилиш керак, маҳсулоти сотилмаса ҳам маошнинг вақтида тўланишига кафолат бериши керак, деб бизга ақл ўргатувчилар орамизда йўқ эмас.

Маҳсулотини бозор кўтармаётган бўлса ҳам, отнинг калласидек маош олаётганлар ҳам кам эмас.

Мана шунақа кайфият билан юрганларга қаратиб, қаттиқ, қатъий сўзларни айтишга мажбурман. Бутун маърифатли дунё тан олган ва риоя қилаётган, бугунги замоннинг ўзи тақозо этган янги принциплар, қонунларни тушунмайдиган, қабул қилмайдиган шахслар, амалпарастлар энди бизга халақит бермасин, чеккага чиқсин. Ўрнини ёшларга, илғор фикрловчи мутахассисларга бўшатиб берсин.

Иккинчи муҳим масала. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кўп қирралі иқтисодиётни шакллантириш, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш бўйича кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, реал мулкдорлар пайдо бўлиш жараёни суст кетмоқда. Қайта такрорлайман, реал мулкдорларнинг пайдо бўлиш жараёни суст кетмоқда. Бу, хусусан, қишлоқ хўжалиги, саноат, капитал қурилиш соҳаларида кўзга яққол ташланмоқда.

Тан олишимиз керакки, хусусийлаштириш ва акциялаш кўп ҳолларда хўжакўрсинга ўтказилиб, бу тадбир биз кутган натижани бермаяпти. Корхоналарни бошқариш тизимида туб ўзгаришлар йўқ.

Афсуски, корхоналар ва тармоқларни бошқариш тизими эскилигича қолмоқда. Биз бугун хусусийлаштирилган корхоналарнинг ҳақиқий эгалари бор, деёлмаймиз. Нега деганда ҳақиқий эга корхонасидаги иш сифатига, унинг молиявий аҳволи, истиқболига бефарқ қараб туролмайди.

Талай концерн ва корпорациялар раҳбарлари, энг аввало, директорлар корпуси айтганим-айтган, деганим-деган қабилида ишлашга одатланганлар. Улар ҳукмронлик ваколатларидан ажралиб қолишдан, ислоҳотлардан, ўзгаришлардан чўчийдилар.

Айрим раҳбарларимизнинг акциялаштирилаётган корхоналарнинг низомий жамғармасида давлат ва жамоа мулки ҳиссасини мумкин қадар кўпроқ сақлаб қолишга уринаётганлари мана шу қўрқув оқибатидир.

Ўйлайманки, бу масалада Вазирлар Маҳкамаси аниқ бир қарорга келиши зарур.

Хўш, бундай вазиятдан ва бокимандалик кайфиятидан халос бўлишнинг йўли борми? Албатта бор.

Биринчидан, акцияларнинг давлат улуши 25 фоиздан, жамоа улуши 26 фоиздан ошмаслиги ҳақидаги фармон бандларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарур.

Иккинчидан, мазкур корхоналарда мулкнинг давлат улушини бошқариш механизмларини шакллантириш баробарида, қонунларимизда кўзда тутилганидек, ҳиссадорларнинг кенгашларини тузиш зарур. Токи улар амалда ҳиссадорлик жамиятларини бошқаришнинг олий органига айлансинлар. Ҳиссадорлар йиғилишидан йиғилишигача бўлган вақт мобайнида бошқарув кенгаши фаол ишласин. Биз албатта шунга эришмоғимиз керак. Шунга эришганда бундай корхоналарнинг раҳбарлари ҳиссадорлик йиғилишига ва умумий кенгашига бўйсуниши шарт.

Учинчидан, аввало биржа фондида, эркин савдода фуқароларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш учун мўлжалланган акциялар пакети реализациясини тезлаштириш зарур. Бу акциялар шунчаки қоғоз эмас, том маънода қимматли қоғоз бўлмоғи керак. Токи ҳар бир акцияси учун акциядор дивиденд, даромад олсин. Акция савдосининг сўнгги икки талабига тўлиқ амал қилинган тақдирдагина корхона ҳақиқатдан ҳам акциялашган ҳисобланади.

Тан олишимиз керакки, тармоқлар, корхоналар раҳбарлари инвесторлар, авваламбор хорижий инвесторлар диққат-эътиборини ўзларига жалб қилолмаяпти. Акцияларнинг эркин савдога мўлжалланган салмоқли қисми ўз харидорини тополмаётганини фақат шу билан изоҳлаш мумкин.

Акциялар савдосини ташкил этиш, энг аввало, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, унинг жойлардаги бўлимлари вазифасидир. Давлат мулк қўмитаси бошқош бўлиб, ушбу ишларни охирига етказсин.

Ҳукумат (Ў. Султонов) мазкур масалани кўриб чиқиб, уни ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиши лозим. Кўрилган чора-тадбирлар ҳақида бир ой вақт ичида ҳисобот берилсин.

Фонд бозори, айниқса иккиламчи бозор ривожини тезлаштиришга, аҳоли кенг қатламларини фонд бозорига жалб этишга эътиборни кучайтириш зарур. Корхоналарни акциялаштиришга хорижий сармояларни жалб этишнинг, Ўзбекистон фонд бозорининг халқаро капитал бозорига кириб боришининг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқишнинг пайти етди, деб ўйлайман.

Биз мамлакатимизга кенг кўламда хорижий инвестиция қилишлиши тарафдоримиз, бу мақсад биз учун устувор сиёсатдир.

Оммавий хусусийлаштириш механизми сифатида корхоналарни акциялаштириш ва бошқариш ишига хусусийлаштириш инвестиция фондларини кенг кўламда, қўрқмасдан жалб этиш керак. Бунинг учун ўз жамғармалари ва акцияларини хусусийлаштириш инвестиция фондларига ва хусусийлаштирилган корхоналарга қўювчилар ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлайдиган мустаҳкам ҳуқуқий замин даркор.

Шуни ҳам назардан соқит қилмаслик керакки, инвестиция фондлари ва уларни бошқарадиган компанияларнинг сунъий молия пирамидаларига айланиб кетишининг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқ зарур. Бу ҳам бевосита Мулк қўмитасининг вазифасига киради.

Яна бир катта муаммомиз. **Кўп корхоналарнинг молиявий аҳволи ҳамон оғир бўлиб қолаётгани бизни қаттиқ ташвишлантиряпти.** Ўзаро тўловлар аҳволи ҳам қониқарли эмас. Корхоналарнинг жўнатилган юклар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат бўйича муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра 75 миллиард сўмни, кредиторлик қарзи эса 87 миллиард сўмни ташкил этди.

Дебиторлик қарзининг ўсишига йўл қўяётган масъул шахсларнинг, корхона раҳбарларининг бу номақбул иш учун бевосита жавобгар эканликларини яна бир бор эслатмоқчиман. Мен учун давлат тартиби ° аввало тўлов тартибларига риоя қилишдан бошланади.

Дебиторлик қарзларининг мавжудлиги шу ташкилотлар учун ўз айланма маблағларининг етишмаслигига олиб келмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва техник қайта жиҳозлашни орқага сурмоқда.

Бундан ташқари, айланма маблағларнинг каттагина қисми ҳамон якунланмаган ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш заҳираларига, тайёр маҳсулот заҳираларига жалб этилиб, ҳаракатсиз туриб қолмоқда. Шу билан бирга, айланма маблағлар ҳамон тижорий режада кўзда тутилмаган тадбирларга сарфланмоқда.

Бундай ўзбошимчаликнинг жавобгарлиги бормийўқми? Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдириб борилиши ҳақидаги фармоннинг кучи қаерда қолди? Мазкур фармонга биноан, айланма маблағларнинг сақланиши, аниқ мақсадларда фойдаланиши ва ўз вақтида тўлдириб борилиши учун вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, ассоциациялар, холдинг компаниялар раҳбарлари ёки уларнинг иқтисодий масалалар бўйича муовини, корхоналарнинг ўзида эса директорлар, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари ва бухгалтерлар шахсан жавобгар эканликлари кўрсатилганми, йўқми?

Республика бош прокурори (Б. Мустафоев), Марказий банк бошқаруви раиси (Ф. Муллажонов), молия вазири (Ж. Сайфиддинов) бу саволга жавоб беришлари зарур.

Корхоналар акцияларини сотиш ҳисобидан айланма маблағларни тўлдириб боришнинг яна бир манбаидан фойдалана олмаяпмиз. Биз фақат бу 1998 йил мобайнида, истисно тариқасида, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш шарти билан акциялар савдосининг жами тушумини корхоналар ихтиёрида қолдирдик.

Аммо, ярим йиллик якуни натижаларига қараганда барча корхоналар ҳам мана шу имкониятдан фойдаланишга шошилмаяптилар. Акс ҳолда «Ўзмашсаноат» корхоналари ўз акцияларини ° 66,7 фоиз, «Ўзэлтехсаноат» ° 66,4 фоиз, «Ўзқурилишматериаллари» ° 68,1 фоиз, «Ўзгўштсаноат» ° 66,2 фоиз, «Маҳаллий саноат» тизими ° 65,2 фоиз, «Ўзавтойўл» ° 60,5 фоиз, «Ўзагроқурилиш» ° 56 фоиз, «Ўзбектрансқурилиш» ° 56 фоиз миқдорида реализация қилганини, сотганини қандай изоҳлаш мумкин?

«Ўзавтосаноат», «Ўзсувқурилиш» каби уюшмалар корхоналари шу кунга қадар ўз акцияларининг ярмини ҳам сотгани йўқ. «Ўзпаррандасаноат» уюшмаси қайта тузилганидан сўнг ўзининг потенциал ресурсида 1 миллиард сўмликдан ошиқроқ сотишга мўлжалланган акциялари бўлатуриб, бор-йўғи 7,4 миллион сўмлик ёки 1 фоиздан ҳам кам акция сотган.

Шу сабаблар туфайли, эркин сотишга мўлжалланган, шу жумладан хорижий инвесторларга ҳам сотиладиган акциялар ресурси, яъни сотилмаган жами акциялар ҳажми 53 миллиард сўмдан ошиб кетди. Табиий савол туғилади, айланма маблағларнинг ўрнини тўлдириш учун яна қандай манба керак? **Вазирлар Маҳкамаси (Ў. Султонов, В. Чжен) бу масалани синчиклаб ўрганиб чиқсин ва яқин кунлар ичида корхоналар акцияларини сотишни тезлаштиришга доир аниқ таклифлар киритсин.**

Корпорация, концерн, компания, фирма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари қулоғига қуйиб олсин — улардан сўроқ қаттиқ бўлади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Эътиборингизни қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар мажмуи ижросига қаратмоқчиман. Олий Мажлиснинг охирги сессиясида қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартиришга доир қатор қонунлар қабул қилдик. Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи», (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» қонунлар, биринчи ўқишдаги «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонун шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг 2000 йилгача бўлган маҳсус дастури тасдиқланди. Куни кеча Вазирлар Маҳкамаси қишлоқда изчил ва дадил ислоҳот ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжат қабул қилди.

Халқ биздан амалий ишларни кутмоқда. Муҳими шундаки, қишлоқда ислоҳот ўтказилаётганда расмиятчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Гап қишлоқда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, мулкнинг пай, оила пудрати, узоқ муддатли ижарага асосланган мутлақо янги аграр ва иқтисодий муносабатларни шакллантириш, қишлоқда кооперативлар тузиш эвазига деҳқон хўжалигининг янгича турини ташкил этиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида бормоқда.

Мазкур барча чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш билан шуғулланадиган маҳсус республика комиссияси, бу комиссия қошида ишчи ҳайъати тузилган. Қабул қилинган қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич ислоҳ қилиш учун барча шарт-шароитни муҳайё этиш ° мазкур комиссиянинг бош вазифаси этиб белгиланган.

Барча янгиланишлардан кутилган асосий мақсад — мулк эгасини шакллантириш, уни тарбиялашдан иборат. Қишлоқда мулк эгаси пайдо бўлиши лозим. Мулк эгасининг оёққа туриши ҳамда унинг жаҳон бозорларига чиқиши учун барча шарт-шароитни яратиб беришимиз лозим.

Бугун яна бир энг муҳим масалага тўхтамасдан ўтолмайман. **Бу, энг аввало, кичик ва ўрта бизнес тараққиётини рағбатлантиришга оид масаладир.** Барча янгиланишларимиз натижаси бутунлай кичик ва ўрта бизнеснинг ҳолати ва унинг тараққиёт даражасига боғлиқ эканини такрорлаб ўтиришга зарурат бўлмаса керак. Ислоҳотлар тақдири, охир-оқибатда эса ° кишиларимиз фаровонлиги ва мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши кичик ва ўрта бизнес тараққиёти орқали ҳал қилинади.

Бу ўринда мазкур масала фақатгина иқтисодий масала эмаслигини унутмаслик зарур. У муҳим ижтимоий-сиёсий масала ҳам ҳисобланади. Чунки у жамиятимизнинг иқтисодий ҳаётидагина эмас, сиёсий ҳаётида ҳам етакчи ўрин эгаллаши лозим бўлган мулкдорлар синфини барпо этиш билан бевосита боғлиқдир.

Биринчи ярим йилликнинг ўзидагина ҳукумат доирасида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес тараққиётини рағбатлантиришга қаратилган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди.

Мен 1998 йил 9 апрелдаги фармонни, Вазирлар Маҳкамасининг кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш ҳақидаги қарорини, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини мустаҳкамлаш бўйича мустақил деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасини ташкил этиш ҳақидаги қарорларни назарда тутяпман. Вилоятларда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи, хўжалик ҳисобидаги ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилди.

Республикада кафолат ва имтиёзлар беришнинг кенг тизимини барпо этиш, халқаро молиявий институтларнинг (Халқаро молия корпорацияси, Европа қайта қуриш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки) махсус кредитларини, шунингдек хорижий банклар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи турли жамғармаларнинг бевосита кредитларини жалб этиш ҳисобидан кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш учун ғоят мақбул шароит яратилди.

Шунинг учун ҳам бу чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳукуматнинг қаттиқ назорати остида бўлиши лозим. Бу иш кичик ва ўрта тадбиркорлик бўйича ҳукумат комиссиясининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз мамлакатимиз тараққиёти, демократик ўзгариш ва янгиланишлар, жамиятимизни ислоҳ қилиш истиқболларини белгилар эканмиз, энг аввало хусусий мулк эгаларининг мана шу тоифасига, бу тоифанинг амалга оширилаётган ўзгаришларда тутган етакчи ўрнига суянишимиз лозим.

Кейинги масала. Шуни эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда бозор инфратузилмасини ташкилий асослари яратилди. Банклар, суғурта ва лизинг компаниялари тармоғи барпо этилди, турли фонд институтлари — биржалар, брокерлик идоралари, инвестицион фондлар, депозитарийлар, фонд ва улгуржи савдо магазинлари ҳамда бозор иқтисодиётига хос бўлган бошқа тузилмалар пайдо бўлди.

Айни пайтда шуни ҳам тан олиш лозимки, ташкил этилган кўпгина бозор тузилмалари шаклан бозор тузилмаси ҳисобланса-да, моҳият эътиборига кўра ўз номига жавоб бермайди. **Банк тизими заиф ҳолда қайта қурилмоқда, суғурта бозори ривожланмаган. Хомашё ва материаллар бўйича биржа савдосининг ўрни сезилмаяпти.** Корхоналар фаолияти илгаридаги каби анъанавий шаклланган маҳсулот етказиб берувчиларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Истеъмолчи корхоналарнинг хомашё етказиб берувчи корхоналарга қарамлиги ҳамон сақланиб қолган. Эски тақсимот тизими, лимит ва фондларни қўмсаш ҳам мана шундан келиб чиқади.

Бозор инфратузилмаси институтлари фаолиятини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, уларнинг ўз вазифасини зарур даражада бажаришга халақит бераётган тўсиқларни олиб ташлаш лозим. Хомашё, материаллар ва капиталнинг ички бозорини жонлантириш керак.

Банкларнинг низом капиталини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш пайти келди. Банкларнинг низом жамғармасида асосий ўринни акциядорлик капитали эгаллаши лозим. Банкларни уларнинг эгалари бошқариши керак. Банклар бошқарувида айнан ана шу банк эгалари бўлиши керак, банк ходимлари эса шартнома орқали ишлайдиган хизматчилар бўлиб қолиши лозим. Бир сўз билан айтганда, банкларимизни, жумладан, тижорат банкларини мансабдорлар зўравонлигидан қутқариш зарур.

Биз бозор шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўли рақобат эканини доимо ёдда тутишимиз керак.

Маъмурий усуллар эмас, айнан рақобат фаол ҳаракатга чорлайди. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни янгилаш ва ривожлантиришга, харажатлар, таннархнинг қисқариб, натижада нархнинг арзонлашувига, омборларда ётган, ўтмай қолган маҳсулотнинг камайишига, янги бозор қидириш ва харидор учун курашни рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтиради.

Бироқ шуни эътироф этишимиз лозимки, республикада ҳақиқий рақобат муҳити яратилмаган. Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси ҳамда рақобат муҳитини шакллантириши лозим бўлган бошқа жамоат ташкилотлари заиф ишламоқда.

Тажриба шуни кўрсатяптики, саноат, қурилиш, коммунал хўжалиги, автомобил транспорти, ҳатто савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўпгина корхоналар ҳамон монополист бўлиб қолмоқда.

Бу ҳол Ўзбексавдо, Ўзбекбирлашув, Маҳаллий саноат, Ўзмаишийуюшма сингари кўпгина тузилмаларни қайта ташкил этиш заруратини туғдирди. Бу ишни яна давом эттириш керак. **Вазирлар Маҳкамаси комплекслари айрим соҳаларни бошқарув тузилмаларини танқидий нуқтаи назардан қараб чиқиб, сунъий монополия тузилмаларини тугатиш, давлатга қарашли бўлмаган, хусусий тадбиркорлар етакчилик қиладиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг кенг бозорини ташкил этиш бўйича таклифлар киритиши лозим.**

Рақобат муҳитини мустаҳкамлашда банкротлик институтини ривожлантириш, келажаги йўқ, иқтисодий ночор корхоналарни кескин тугатиш муҳим ўрин тутиши лозим. Корхоналарни елкада олиб юришга барҳам бериш керак. Улар эртами-кечми барибир банкротликка учрар экан, бу ишнинг тезроқ бўлгани маъқул.

Ҳукуматга олий хўжалик суди билан биргаликда жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари бўйича зарар кўриб ишлаётган корхоналар рўйхатини яна бир бор кўриб чиқиб, уларнинг тақдирини ҳал этишни топшириш зарур, деб ҳисоблайман.

Яна бир муҳим нарса-га эътиборингизни қаратмоқчиман. Валюта курсимизни эркинлаштиришга оид масала ҳақида. Яқинда «Биржадан ташқаридаги валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармон қабул қилинган бўлиб, унда 1998 йил 1 июлдан бошлаб ваколатли банклар марказий банкнинг расмий алмашув курсига нисбатан 12 фоиз ушлаб қолиши, ваколатли банкларнинг валюта активларини ҳамда умуман биржадан ташқаридаги валюта бозорини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган эди.

Қабул қилинаётган қарорларнинг маъноси шуки, республикада барча хўжалик субъектларининг талаб ва эҳтиёжларини қондира оладиган тўлақонли ва самарали ишлайдиган биржадан ташқаридаги валюта бозорини ташкил этиш учун имкон қадар зарур шарт-шароитлар яратиш лозим.

Бу вазифани ҳал этиш Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Тижорат банклари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар зиммасига юкланади.

Пировард мақсад шундан иборатки, Ўзбекистон бозорида ишлаётган ҳар бир киши валютани эркин конвертация қила олсин. Биз ўз олдимизга 2000 йилдан кечикмасдан халқаро валюта жамғармаси ҳамда жаҳон банкининг ҳамкорлиги ва кўмагига катта умид боғлаймиз.

Бироқ, биз кўп нарса энг аввало ўзимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. **Миллий валютани конвертация қилишнинг муҳим шарти мамлакатга валюта тушумини кескин кўпайтиришдан иборат. Бюджет манбаи эса экспорт ҳисобланади.**

Яқин йилларда экспортни кескин кўпайтирган ҳолда мамлакатнинг ташқи савдо айланмасини икки бараварга ошириш зарур.

Республикада экспорт салоҳиятини кенгайтириш дастури ишлаб чиқилиб, қабул қилинган. Энди уни сўзсиз бажариш жуда муҳимдир.

Шуни яна бир бор такрорламоқчиманки, биз экспортни ошириш ҳақида қанча гапирмайлик, ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш, маҳсулотимизнинг рақобатбардош бўлишини таъминламасдан туриб, бунга эришса олмаймиз. Хорижий сармояларни жалб этиш йўли билан корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билангина мақсадга эришиш мумкин.

Ҳамма жойда сармояга эга бўлган шерикларни қидириш керак. Кўшма корхоналар барпо этиш лозим. Биз фақат шу йўл билангина корхоналарнинг кучли рақобат шароитида ишлай олишини таъминлашимиз мумкин. Шу йўл билангина жаҳон бозорида маҳсулотимизга муносиб ўрин олиб беришимиз мумкин. Бу барча даражадаги раҳбарлар учун қонун бўлиши керак.

Азиз дўстлар!

Биз энг бошиданоқ ислоҳотлар номигагина эмас, инсон манфаатлари йўлида ўтказилишини аниқлаб олган, республикада жамиятимизнинг барча томонларини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни ана шунга бўйсундирган эдик.

Мен сўнгги пайтда ижтимоий инфратузилмани, энг аввало, қишлоқ жойлардаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш ҳам, қишлоқда тиббиёт пунктлари ва бошқа ижтимоий объектларни барпо этиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини, оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда 1998 йил учун белгиланган ижтимоий дастурни бажариш ҳам асосий вазифа ҳисобланади.

Вилоятларда, туманларда бўлганимда, жойларнинг ўзида аҳвол билан танишганим, кишилар билан суҳбатларим бир томондан мени жуда қувонтиради. Аммо, айни пайтда кишини ташвишлантирадиган воқеалар ва мисоллар ҳақида ҳам гапиришга тўғри келади.

Обод қишлоқларни, янги қурилган уйлар ва йўлларни, янги ижтимоий объектларни, энг муҳими, одамлар юзидаги мамнуниятни кўрганимда, халқимиз ташаббускорлиги ва тинимсиз меҳнати туфайли мана шундай натижаларга эришаётган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, туман ва вилоятлар ҳокимлари ташаббускорлигидан қувонаман.

Уз бурчини, ҳаётининг мазмунини тўғри англайдиган барча раҳбарлардан ҳурсандман ва уларни қўллаб-қувватлашга тайёрман. Фурсатдан фойдаланиб Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида қилаётган меҳнатлари учун уларга самимий миннатдорлик билдираман.

Бироқ, айрим туман ва қишлоқларимизнинг ижтимоий ҳаётида ҳеч нарса ўзгармаётгани афсус ва надомат туйғуларини уйғотади. Баъзи раҳбарлар, мансабдор ва амалдорлар ўз мавқеидан шахсий мақсадга эришиш йўлида фойдаланиб, бурч ва вазифасини унутиб қўяётганини кўрганда киши шундай ҳолга тушади. Расмиятчилик, тўрачилик, одамларни менсимаслик ва ўз вазифасига совуққонлик, биронбир ташаббус ва тадбиркорликнинг йўқлиги ° буларнинг барчаси қонуний равишда жамоатчилик ғазабини ва норозилигини қўзғатади.

Бундай раҳбарлар ҳамма нарсанинг чекичегараси борлигини англаб етиши керак. Улар ҳаётда ҳеч нарса одамлар назаридан четда, сезилмасдан қолмаслиги ва эртами-кечми ўз баҳосини олишини тушунишлари даркор. Бу нуқсонларга қарши Президент ва ҳукуматгина эмас, барча ҳалол кишилар, юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари, фидойилари, кенг жамоатчилик доимий равишда кураш олиб бориши зарур.

Мен телевидение, радио, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларига катта умид боғлайман. Уларнинг вазифаси ҳаётимизнинг барча томонларини очиқ, кенг ва ҳаққоний ёритишдан иборат. Арзийдиган мисол ва воқеаларни кўрсатибгина қолмай, лоқайдлик ва манманлик, жиноий даражадаги бепарволик, коррупция ва товламачилик

TV

ДУШАНБА 27

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Асрлардан ҳикоя сўйлаб».
9.20 «Ҳаҳон спорти».
9.30 «Омад юлдузи». Телеўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кино янгиликлари».
10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.40 «Замонавий ғел». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
12.35 Мустақиллик одимлари.
12.40 «Фермер». Телетанлов.
13.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
13.45 «Асалари бўлган экан...». Мультфильм.
14.10 — 15.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Еднома». Ғани Жаҳонгиров.
18.30 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Саҳога йўл».
18.50 «Мулк ва муносабат».
19.05 Лирик тароналар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иктисод алифбоси».
21.20 «Қўшиққа қўнган сатр». Азим Суюн.
22.25 «Мустақиллик одимлари».
22.30 «Адолат мезони».
22.50 М. Бобоев. «Қўнгил қўчалари». Видеофильм, 29-қуй.
23.30 «Ахборот».
23.55 Каратэ бўйича Марказий Осиё чемпионати.
00.20 — 00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мультфильм.
18.35 Жаҳон урушларининг махфий архивларидан». Телесериал.
19.05 Химия.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.15 «Юрган дарё».
21.35 «Бозор ва мулк».
21.50 «Таггер». Телесериал.
22.40 «Бурч ва масъулият».
22.50 «Даракчи»(рус тилида).
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Кинонигоҳ. «Лўли».
00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Икром Акбаров». Ҳужжатли фильм.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Ўт ўруғчи II». Бадиий фильм.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05, 21.15 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали:
«Айнурек»
«Умид»
20.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Шукрона».
21.00 «Умр баҳори».
21.20 Кинематограф. «Энг жозибали ва энг латофатли қиз».
22.40 «Ғўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.00 Спорт-тайм.
23.30—23.40 «Ҳайрли тун!».

РЖТ

5.00 «Ҳайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 24.00 — Янгиликлар.
8,15, 17.20 — «Роксолана — султон асираси». Сериал.
9.00 «Мўъжизалар майдони».
9.55 «Сиҳат-саломатлик».
10.30, 18.30 — «Куйини топинг».
11.20 «Биргалашиб» дастури.
12.00 Олтин серия. Александр Михайлов «Илон овловчи» детективида.
14.20 Мультсериал.
14.45 «Марафон-15».
15.05 «Юлдузи онлар».
15.40 «Орзуларимиз оғушида». Сериал премьераси.
16.10 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
16.30 «Оламга саёҳат».
18.05 «Тиғиз пайт».
19.00 «Мавзу».
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Олег Стриженов «Уни Роберт деб атардилар» комедиясида.
22.20 Ҳужжатли детектив.

РДТ

6.00, 7.45, 14.45 — Мультфильмлар.
6.15 «Уйғон».
6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.20 — «Вести».
7.00, 22.50 — «Навбатчи қисм».
7.20 — «Стронг» таништиради.
7.30 «Пуллар».
8.05 «Православ тақвими».
8.10 «Ҳайвонлар ҳақида мулоқотлар».
9.05, 19.35 — «Санта-Барбара».
10.30 «К-2» таништиради.
13.30 Олег Даль, Ирина Купченко ва Юрий Богатирев «Сентябрдаги таътил» фильмида. 2-серия.
15.00 «Минора». Ёшлар ахборот-дам олиш дастури.
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.30 «Автоспорт: миллий пойга серияси».
17.20 Олег Даль, Марина Неелова, Анастасия Вертинская ва Андрей Миронов Е. Шварцнинг «Соя» пьесаси асосида ишланган комедиясида.
20.35 «Пси Фактор». Телесериал.
21.25 «Мусиқий ўлка».
23.05 Ирина Алферова «Шериф юлдузи» детективида.
01.05 «Витебскда славян бозори». Санъат фестивали кундалиги.

НТВ

7.00, 7.30, 8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 11.00 — «Бугун эрталаб».
10.05, 23.50 — «Детектив Нэш Бриджес».
11.15 Кино олами. «Менинг генералим» (Испания).
13.00, 15.00, 17.00 — «Бугун кундузи».
13.25 «Эски телевизор» эслайди: «Қарама-қаршилик». 3-қисм.
15.15 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». 168-серия.
16.00 Яхши ният ўйинларида.
17.20 «Сезам кўчаси».
17.50 Мультфильмлар.
18.15 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Фазодаги жанг». 18-серия.
19.05 «Криминал».
19.15 «Нафи тегади».
19.25 «Футбол клуби».
20.00, 23.00 — «Бугун оқшомда».
20.40 Кино олами. Билл Биксби «Ғаройиб бесунақай-1» фантастик фильмида (АҚШ).
22.35 «Офарин!», «Қўғирчоқлар».
00.40 «Сегоднячко».
01.15 «Дақма латифалари». Сериал.

СЕШАНБА 28

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қуйла, ёшлигим».
9.10 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Иқтисодий ислоҳот уфқлари».
9.40 «Ёшлик» студияси. «Янги авлод».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Мусиқий саёҳат». Кинокўрсатув.
10.25 Мустақиллик одимлари.
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Адабиёт.
11.00 Болалар учун. «Мактублар-кабутарлар».
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Математика.
*
12.05 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 11-серия.
12.20 Ўзбек қўйларидан концерт.
12.50 Кундузги сеанс. «Даллол». Бадиий фильм.
14.10 — 14.40 Бутун жаҳон ўсмирлар ўйинлари якуни.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Сеҳрли най». Мультфильм.
18.20 «Ҳунарманд». Тележурнал.
18.40 «Табаррук қадамжолар».
19.05 «Ҳамкорлик ва тараққиёт».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Мустақиллик бекати».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбекистон — Ватаним маним». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Акбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-қисм.
23.00 «Ёшлар» телеканали:
22.20 «Шу Ватанга бордур менинг кераги м».
«Ғазалхон ёшлигим».
23.00 М. Бобоев. «Қўнгил қўчалари». Видеофильм, 30-қуй.
23.40 «Ахборот».
00.05 Самбо кураши бўйича Осиё чемпионати.
00.30 — 00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Қулгига нима етсин».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Толеънома».
21.20 «Таггер». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Экранда — детектив.
00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Шохсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.35
*
21.35 «Кино сайёраси». Жан Габен «Мелопага деворлари узра» фильмида.
23.20—23.40 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05, 22.10 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 Истиқлол илҳомлари. А. Орипов. «Шукуҳли диёрим».
20.30 «Азизим».
20.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Шукрона».
21.00 «Нафосат гулшани».
21.30 «Автосалтанат».
22.40 «Дурдаршан».
22.15 Олтин хазина. С. Абдулла, Т. Жалилов. «Тоҳир ва Зуҳра». Андижон вилоят театрининг спектакли. 2-қисм.
23.45—23.55 «Ҳайрли тун!».

30-КАНАЛ

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 01.35 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
8.30 «Табассум-ла ярим соат».
9.00 «Кинононушта».
10.15, 16.00 — «Карапуз-ТВ».
10.30 «Касби — шифокор». Телесериал (Австралия).
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ҳаёт чизиғи». Телесериал (Бразилия).
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Кино оламида». Ахборот-дам олиш дастури.
16.15 «Мусиқий коллекция».
16.30 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Телесериал.
17.30 «Шаддодлар ва ғўзаллар». Телесериал.
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.45 «Қора марварид». Телесериал.
19.30 «Ғаройиб воқеалар». Телесериал (АҚШ).
20.00 Спорт янгиликлари.
20.30 «Тунги мультик».
20.45 «Клип-сюрприз».
21.30 Оилавий кино.
23.15 Телесериал.
00.15 «Бойўғлига навбат».
01.10 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

5.00 «Ҳайрли тонг!».
8,00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.15 — Янгиликлар.
8.15, 17.20 — «Роксолана — султон асираси». Сериал.
9.00 В. Познернинг «Никобдаги киши» дастури.
9.45 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
10.20 «Хонаки кутубхона».
11.15 «Биргалашиб» дастури.
12.00 «Қирол ўқчиси Шарпнинг саргузаштлари». Тарихий сериал.
14.20 Мультсериал.
14.55 «Бахтли тасодиф».
15.40 Севиш даври «Орзуларимиз оғушида» сериалида.
16.10 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
16.30 «Оламга саёҳат».
18.05 «Тиғиз пайт».
19.00 «Мавзу».
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Олег Стриженов «Уни Роберт деб атардилар» комедиясида.
22.20 Ҳужжатли детектив.

РДТ

6.00, 7.45, 14.45 — Мультфильмлар.
6.15 «Уйғон».
6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.20 — «Вести».
7.00, 22.50 — «Навбатчи қисм».
7.15 «Товарлар — почта орқали».
7.20 — «Стронг» таништиради.
7.30 «Пуллар».
8.05 «Православ тақвими».
8.10 «Ҳайвонлар ҳақида мулоқотлар».
9.05, 19.35 — «Санта-Барбара».
10.30 «К-2» таништиради.
13.30 Олег Даль, Ирина Купченко ва Юрий Богатирев «Сентябрдаги таътил» фильмида. 2-серия.
15.00 «Минора». Ёшлар ахборот-дам олиш дастури.
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.30 «Автоспорт: миллий пойга серияси».
17.20 Олег Даль, Марина Неелова, Анастасия Вертинская ва Андрей Миронов Е. Шварцнинг «Соя» пьесаси асосида ишланган комедиясида.
20.35 «Пси Фактор». Телесериал.
21.25 «Мусиқий ўлка».
23.05 Ирина Алферова «Шериф юлдузи» детективида.
01.05 «Витебскда славян бозори». Санъат фестивали кундалиги.

НТВ

7.00, 7.30, 8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 11.00 — «Бугун эрталаб».
10.05, 23.50 — «Детектив Нэш Бриджес».
11.15 — Кино олами. Елена Сафонова «Телеграф изидан» фильмида. (Франция — Россия).
13.00, 15.00, 17.00 — «Бугун кундузи».
13.25 «Эски телевизор» эслайди: «Қарама-қаршилик». 4-қисм.
15.15 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». 169-серия.
16.00 Яхши ният ўйинларида.
17.20 «Сезам кўчаси».
17.50 Мультфильмлар.
18.15 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Фазодаги жанг». 19-серия.
19.05 «Криминал».
19.15 «Нафи тегади».
19.25 «Криминал Россия. Замонавий хроникалар». Ҳужжатли сериал.
20.00, 23.00 — «Бугун оқшомда».
20.40 Кино олами. Дастин Хоффман ва Тереза Рассел «Аҳлоқ тузатиш муддати» фильмида (АҚШ).
22.45 «Қўғирчоқлар».
00.40 «Сегоднячко».
01.15 Ҳаммага ҳам мос келавермайдиган кино. «Қишлоқ ҳаёти» (Австралия).

ЧОРШАНБА 29

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Дилнавоз садолар». Мусиқий дастур.
8.55 Мустақиллик одимлари.
9.00 «Жараён».
9.20 «Акбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Шоирлар — болаларга».
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Биология.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Ўзбекистон тарихи.
12.05 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 12-серия.
12.20 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ифтихор».
12.30 «Акс-садо».
13.00 Кундузги сеанс. «Мен — Тян-Шанман». Бадиий фильм. 1-серия.
14.10—14.30 «Талаб ва таклиф».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
18.35 «Ўзбекистон фуқароси».
18.50 «Ранглар жилоси».
19.05 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Зилол-98». Фольклор-этнографик ансамбларининг телевизион фестивали.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Қўшиқ билан сирдош». Мусиқий дастур.
21.50 Мустақиллик одимлари.
21.55 «Инсон ва қонун».
«Ёшлар» телеканали:
22.20 «Шу Ватанга бордур менинг кераги м».
«Ғазалхон ёшлигим».
23.00 М. Бобоев. «Қўнгил қўчалари». Видеофильм, 30-қуй.
23.40 «Ахборот».
00.05 Самбо кураши бўйича Осиё чемпионати.
00.30 — 00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 «Саньатга бахшида умр». Ғуломжон Ҳожиқулов.
22.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Акбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-қисм.
22.35 Мустақиллик одимлари.
22.40 «Битик».
23.00 «Сомон йўли».
23.50 «Ахборот».
00.15 Самбо кураши бўйича Осиё чемпионати.
00.40 — 00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мультфильм.
18.35 «Жажжи давра».
19.00 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида» (рус тилида).
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одобнома».
21.10 Мумтоз наволар.
21.40 «Сир».
22.00 «Мутойиба».
22.20 «Даракчи»(рус тилида).
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 «Оилавий экран». «Кохановкалик артист».
00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Бахтли болалик».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.35
*
21.35 «Бэтмен». Бадиий фильм.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05 «Сўҳбатдош».
19.25 «02» тўлқинида.
19.40, 21.55 — Эълонлар.
19.45 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.30 «Лаззат».
20.50 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.20 «Замонавий дизайн». «Мустақиллик архитектураси».
21.35 «Ҳаммаси мода ҳақида».
22.00 Киносалон.
23.30 Мусиқий Олимп.
23.50—24.00 «Ҳайрли тун!».

30-КАНАЛ

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 01.35 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
8.30 «Табассум-ла ярим соат».
9.00 «Кинононушта».
10.20, 16.00 — «Карапуз-ТВ».
10.30 «Касби — шифокор». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ҳаёт чизиғи». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.15 «Хит-коктейль».
15.30 «Ижод гулшани». Адабий-маърифий дастур.
16.15 «Мушук Порфирий». Болалар учун дастур.
16.30 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Телесериал.
17.30 «Шаддодлар ва ғўзаллар». Телесериал.
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.45 «Қора марварид». Телесериал.
19.30 «Ғуғирчоқлар билан содир бўлган воқеалар»: «Маппетс бугун оқшомда». Дам олиш дастури.
20.00 Спорт янгиликлари.
20.30 «Тунги мультик».
20.45 «Клип-сюрприз».
21.30 «Кўнгирок қила туриб, томоша қил».
23.15 Телесериал.
00.15 «Бойўғлига навбат».
01.10 Тунги мусиқий канал.

РЖТ

5.00 «Ҳайрли тонг!».
8,00, 11.00, 14.00, 17.00, 24.00 — Янгиликлар.
8.15, 17.20 — «Роксолана — султон асираси». Сериал.
9.00 Америка М. Таратута билан.
9.30 «Ҳамма ўйдалигида».
10.20 «Хонаки кутубхона».
10.25, 18.30 — «Бу эрмак жониворлар». Телеўйин.
11.15 «Биргалашиб» дастури.
12.00 «Қирол ўқчиси Шарпнинг саргузаштлари». Тарихий сериал.
13.05 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Югославия — Пуэрто-Рико терма жамоалари. Грециядан кўрсатилади.
14.20 Мультсериал.
14.45 «Қойилмақом давра».
15.15 «Сеҳрли олам ёки Синема».
15.40 Севиш даври «Орзуларимиз оғушида» сериалида.
16.10 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
16.30 «Оламга саёҳат».
18.05 «Тиғиз пайт».
19.00 «Инсон ва қонун».
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Ғавай узра тун «Ураган» ўткир сюжетли фильмида.
22.55 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Россия — Япония терма жамоалари. Грециядан кўрсатилади.

РДТ

6.00, 7.45, 14.45 — Мультфильмлар.
6.15 «Уйғон».
6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.40 — «Вести».
7.00, 23.50 — «Навбатчи қисм».
7.15 «Товарлар — почта орқали».
7.20 «Саломатлик олами».
7.30 «Пуллар».
8.05 «Православ тақвими».
8.10 «Ўз вақтида».
8.35 «Ўз-ўзига режиссёр».
9.05, 19.35 — «Санта-Барбара».
10.30 «Мутлақо махфий».
11.25 «Мангу даъват». Кўп серияли телевизион бадиий фильм.
12.30 «Автошоу».
13.35 Сергей Колтаков ва Иван Бортник Владимир Хотиненконинг «Қаҳрамон учун кўзгу» фильмида. 2-серия.
15.00 «Минора». Ёшлар ахборот-дам олиш дастури.
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.45 «Кроссворд».
17.10 Том Хэнкс «Лабиринтлар ва махлуқлар» саргузашт драмасида.
20.35 «Муғомбир». Телесериал.
21.30, 23.10 — Александр Абдулов, Николай Караченцов, Зиновий Гердт «Очиққўнгил» мусиқий мелодрамасида.
00.05 «Подиум д.Арт».
00.30 Брижит Бардо ва Мишель Пикколи Жан Люк Годарнинг «Нафрат» мелодрамасида (Франция).

НТВ

7.00, 7.30, 8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 11.00 — «Бугун эрталаб».
10.05, 23.50 — «Детектив Нэш Бриджес».
11.15 Бизнинг кино. «Бир соябон остида икковлон» фильми.
12.45, 17.50 — Мультфильмлар.
13.00, 15.00, 17.00 — «Бугун кундузи».
13.25 «Эски телевизор» эслайди: «Қарама-қаршилик». 6-қисм.
15.15 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». 171-серия.
16.00 Яхши ният ўйинларида.
17.20 «Сезам кўчаси».
18.15 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Фазодаги жанг». 21-серия.
19.05 «Криминал».
19.15 «Нафи тегади».
19.25 «Криминал Россия. Замонавий хроникалар». Ҳужжатли сериал.
20.00, 23.00 — «Бугун оқшомда».
20.40 Кино олами. Жоди Фостер, Деннис Хопперо ва Дип Стокуэлл «Муртад» фильмида(АҚШ).
00.40 «Сегоднячко».
01.15 Ҳаммага ҳам мос келавермайдиган кино. «Шаҳардаги хона» (Франция).

ЖУМА 31

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Муҳаббатим қуйлайман». Концерт.
8.45 «Озода бўлсин шаҳринг».
9.05 «Созга солдим Алпомишни».
9.25 «Акбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Устоз». Телеочерк.
10.25 Мустақиллик одимлари.
10.30 Болалар учун. «Езимиз соз ўтмоқда».
11.00 «Кафолат».
11.20 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 14-қисм.
11.35 «Қишлоқ ҳаёти».
12.05 Кундузги сеанс. «Чилангар Кова». Бадиий фильм.
13.40 «Оила ва жамият».
14.10 — 14.35 «Мусиқий саёҳат. Шухрат Йўлдошев». Фильм-концерт.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.30 «Ёруғ олам кўзгуси».
18.45 «Қалб гавҳари».
19.05 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тест — адолат мезони».
21.25 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига энг яхши эстрада қўшиғи кўрик-танлови**. Экранда — Тошкент вилояти.
22.45 Тўра Мирзо. «Пўстин». Теленовелла.
23.15 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» Дам-олиш дастури:
23.40 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.**«Истиқлол фидойиилари».
24.00 Бадиий фильм.
01.20 — 01.25 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Буғуннинг боласи».
18.35 «Довюраклар». Ҳужжатли сериал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.20 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ёнмаган ёзувлар».
21.25 «Таггер». Телесериал.
22.15 «Даракчи».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Бокс. Бокс. Бокс.
23.05 Кинонигоҳ. «Иш бузилди».
00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Юлдузлар мангу ёнади».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.35
*
21.35 Оскар совриндорлари: «Водийларим кўп зангор эди» (1941). Бадиий фильм.
23.35—23.55 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфильм».
19.05 «Маънавият ва Ислом».
19.25 «Бу бўстон аро...».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.10, 22.10 — Эълонлар.
20.15 «Морена Клара». Телесериал.
21.00 «Олтин калит» лотерея ўйинининг 2-тиражи.
21.15 «Бегойим».
21.40 Дурдаршан.
22.15 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Шукрона».
22.20 Кинематограф. «Доктор Жекл ва мистер Хайднинг ғаройиб саргузаштлари».
23.45 «Араб эстрадаси».
00.15—00.25 «Мунаввар тонг истаб...»

30-КАНАЛ

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 01.45 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
8.30 «Табассум-ла ярим соат».
9.00 «Кинононушта».
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ҳаёт чизиғи». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Мусиқий коллекция» Равшан Комилов билан.
16.30 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Телесериал.
17.30 «Шаддодлар ва ғўзаллар». Телесериал.
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.45 «Қора марварид». Телесериал.
19.30 «Ҳаҳшатли воқеалар»: «Альфред Хичкок таништиради». Телесериал (АҚШ).
20.00 Спорт янгиликлари.
20.30 «Тунги мультик».
20.45 «Клип-сюрприз».
21.30 «Севимли кино».
23.15 Телесериал.
00.15 «Бойўғлига навбат».

РЖТ

5.00 «Ҳайрли тонг!».
8,00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.20 — Янгиликлар.
8.10, 17.20 — «Роксолана — султон асираси». Сериал.
9.05 «Саёҳатчилар клуби».
9.55 «Смак».
10.15 «Хонаки кутубхона».
10.25 «Янгра, гармонь!».
11.15 «Биргалашиб» дастури.
12.00 «Қирол ўқчиси Шарпнинг саргузаштлари». Тарихий сериал.
12.50 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Италия — Греция терма жамоалари. Грециядан кўрсатилади.
14.20 «Дунё томидаги орол». Фильм-эртак.
15.55 «Сезам кўчаси».
16.25 Олег Газманов «Фруттис чердаги» дастурида.
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Буюк изқуварлар: Коломбо «Чин дуст» детективида.
22.35 «Нигох».
23.30 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Россия — Япония терма жамоалари. Грециядан кўрсатилади.
00.35 Тунги кинозал.

РДТ

6.00, 7.45, 14.45 — Мультфильмлар.
6.15 «Уйғон».
6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.30 — «Вести».
7.00, 23.00 — «Навбатчи қисм».
7.15 «Товарлар — почта орқали».
7.20 «Саломатлик олами».
7.30 «Пуллар».
8.05 «Православ тақвими».
8.10 «Ўз вақтида».
8.35 «Ўз-ўзига режиссёр».
9.05, 19.35 — «Санта-Барбара».
10.30 «Мутлақо махфий».
11.25 «Мангу даъват». Кўп серияли телевизион бадиий фильм.
12.30 «Автошоу».
13.35 Сергей Колтаков ва Иван Бортник Владимир Хотиненконинг «Қаҳрамон учун кўзгу» фильмида. 2-серия.
15.00 «Минора». Ёшлар ахборот-дам олиш дастури.
15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.
16.45 «Кроссворд».
17.10 Том Хэнкс «Лабиринтлар ва махлуқлар» саргузашт драмасида.
20.35 «Муғомбир». Телесериал.
21.30, 23.10 — Александр Абдулов, Николай Караченцов, Зиновий Гердт «Очиққўнгил» мусиқий мелодрамасида.
00.05 «Подиум д.Арт».
00.30 Брижит Бардо ва Мишель Пикколи Жан Люк Годарнинг «Нафрат» мелодрамасида (Франция).

НТВ

7.00, 7.30, 8.00, 8.30, 9.00, 9.30, 10.00, 11.00 — «Бугун эрталаб».
10.05, 23.50 — «Детектив Нэш Бриджес».
11.15 Бизнинг кино. «Бир соябон остида икковлон» фильми.
12.45, 17.50 — Мультфильмлар.
13.00, 15.00, 17.00 — «Бугун кундузи».
13.25 «Эски телевизор» эслайди: «Қарама-қаршилик». 6-қисм.
15.15 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». 171-серия.
16.00 Яхши ният ўйинларида.
17.20 «Сезам кўчаси».
18.15 Саргузаштлар ва фантастика олами. «Фазодаги жанг». 21-серия.
19.05 «Криминал».
19.15 «Нафи тегади».
19.25 «Криминал Россия. Замонавий хроникалар». Ҳужжатли сериал.
20.00, 23.00 — «Бугун оқшомда».
20.40 Кино олами. Жоди Фостер, Деннис Хопперо ва Дип Стокуэлл «Муртад» фильмида(АҚШ).
00.40 «Сегоднячко».
01.15 Ҳаммага ҳам мос келавермайдиган кино. «Шаҳардаги хона» (Франция).

ШАНБА 1

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Даврнинг узилмас ришталари».
9.10 «Шоҳруҳ клуби».
9.30 «Зиёрат».
9.40 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 15-серия.
«Ёшлар» телеканали:
9.55 «Сени Ватан кутади».
«Вақтинг кетди».
«Окибат».
«Орзулар қанотида».
«Қўнгил қолма муҳаббатдан». Мусиқий дастур.
11.40 Самбо кураши бўйича Осиё чемпионати.
12.05 «Маҳалламиз болалари». Телемусобака.
12.55 «Сурат ва сийрат».
13.15 Кундузги сеанс. «Ҳур қиз». Бадиий фильм.
14.45 «Янграсин шўх яллалар».
15.10 — 15.40 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус. тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Оталар ч

Ҳаёт кўринишларидан

АМАЛДОР

Оқшом. «Дом» олдидаги майдончада икки-уч киши суҳбатлашиб ўтиргандик. Олдимизга ғизиллаб нотаниш «Газ-31» машинаси келиб тўхтади. Орқа ўриндиқда духоба болишга ёнбошлаб бир савлатли одам ўтирарди. Кун иссиқ бўлишига қарамай костюм кийган, бўйинбоғ боғлаган.

Ҳайдовчи машинадан тушиб саломлашишни ҳам канда қилган ҳолда:

- Э, акахонлар, - деди дўриллаб, - фалончининг квартираси қайси?

Кўнглимиз ғашланди. Ёши кичик бўлса, бунинг устига биз кўпчилик - нахот саломлашиш қийин. У сўраган жойни кўрсатдик. Ҳайдовчи тез-тез юриб нари кетди.

Бир пайт қўшнимизнинг чеҳраси болалардек беғубор ёришди. Ўрнидан турди.

- Вой, Анваржон-ку, - деди ҳовлиқиб. - Шогирдим!

У шундай деб машина томон юрди. Қулочини ёйиб кўришмоқчи бўлди. Ажабки, шогирди ўрнидан турай ҳам демади. Қўшнимиз эҳтимол, танимаяпти, деб ўйлади шекилли, машина эшиги тутқичини тортди. Шогирд ичкаридан туртди чамаси, эшик очилди.

- Анваржон, бу сизмисиз? - деди қўшнимиз ҳамон ажабланиб. - Нима, танимаяпсизми?

- Танидим, танидим. Ўзгармабсиз.

- Соғлигингиз яхшими, оилангиз тинчми? Қайси шамол учириб бу ерларга келиб қолдингиз?

Амалдор қисқагина жавоб қайтарди:

- Хизматчилик.

Қўшнимизнинг ҳаяжони босилди шекилли, ўгирилиб бизга бир қараб қўйди-да ўзини ҳамон тик, шогирдининг машинада туриб гаплашаётганидан хижолат бўлди ва «Хўп, майли» деб жойига қайтиб келиб ўтирди.

- Тавба, - деди у ерга қараб,- Нахот амал одамни ўзгартиради?

Унинг шу тобда муаллимлиги «тутиб» кетганди:

- Мактабга директор бўлганимда ҳам, районда раҳбар бўлиб ишлаганимда ҳам оддий одамлар олдидан машинада ўтишда уялардим. Бир кун амалдан тушишим ҳам борлигини ҳеч эсдан чиқармасдим. Хизмат машинасидан маҳалланинг бошланишида тушиб қолардим.

Қўшнимнинг овози титради. Бошини эгиб олди. Разм солдим. Кўзларида ёш кўрдим.

Бир пайт шофёр сочларини ёнига текис тараган, бойваччалиги чеҳраси-ю, қимматбаҳо спорт кийимидан билиниб турган йигит билан машина олдига келди.

- Хўжайин, - деди у боягидек дўриллаб. - Маҳаллакўм раисининг розилиги керак экан бу ишга.

Амалдор кўзини эринчоқлик билан очиб сўради:

- Қанақа раис? Ўзимнинг шахсий пулимга сотиб оладиган квартира учун-а?

- Кечирасиз биродар,- деди йигит,- ҳурмат юзасидан биз шундай қиламиз. Шунга келишганмиз. Ахир маҳалла тинч бўлса ҳамма тинч-да. Шунинг учун бир оғиз маҳалла раисидан сўрайлик. Ҳеч қаеримиз камайиб қолмайди. У яхши одам. Ана ўтириптилар. Хув, ана оқ сочлик киши.

Амалдор ялт этиб устози томон қаради. Қипқизил юзида ўзгариш сезилмади. Лекин анчагача жим қолди.

Машинадан тушишини ҳам, тушмасликни ҳам билмасди.

Абдусаттор ҲОТАМОВ.



Чойга келинг...

Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт •

НЬЮ ЙОРК: ЯНГИ ЖАҲОН РЕКОРДЛАРИ

Нью - Йоркда ўтаётган «Яхши ният ўйин»ларида янги жаҳон рекорди ўрнатилди. Руминиялик Михаэла Мелинте босқон улоқтиришда 72 м 64 см натижа кўрсатиб янги жаҳон рекордини ўрнатди. Енгил атлетиканинг 100 метрга югуриш турида америкалик Морис Грин (9,96с.) унинг жамоадоши Майкл Джонсон 400 метрга югуришда ғалаба қозонди. Шу жамоанинг яна бир вакили Джефф Хартвиг кутилмаганда лангар чўп билан сакрашда энг юқори натижага эришди. У 6 м 1 см баландликни забт этиб, миллий рекорд ўрнатди.

10 кмга спортча юришда россиялик Елена Николаевна олтин медалга сазовор бўлди. Яна уч гимнастикачи Алексей Немов, Николай Крюков, Светлана Хоркиналар Россия терма жамоасига учта олтин медални келтиришди.

Америкалик Майкл Джонсон, Джером Янг, Антонио Петтигрю ва Тайри Вашингтонлар 400 метрга 4 маротаба эстафетача югуришда 2,54:20 минут вақт натижа кўрсатиб, 1993 йили Истутгартдаги жаҳон чемпионатида ўз юртдошлари ўрнатган жаҳон рекордини 0,9 сонияга янгилашди. 100 метрга 4 маротаба эстафетача югуришда ҳам мезбонлар ғолиб бўлишди. Бу турда канадаликлар иккинчи, кубаликлар учинчи ўринни эгаллашди. Босқон улоқтиришда Василий Сидоренко (80 м 88 см) биринчи ўринни эгаллаган бўлса, унинг жамоадоши Илья Коноваловага учинчи, америка вакили Лэнс Дилга иккинчи ўрин насиб этди.

2 м 33 см баландликка сакраган кубалик Хавьер Сотомайор биринчи, худди шундай натижани кўрсатган АҚШлик. Чарльз Остин иккинчи ўринни эгаллашди.

5000 метрга тўсиқлар оша югуришда кениялик Люк Кипкосген марра чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтди. Яна бир кениялик Том Ниарики 3-ўрин билан кифояланди. Кумуш медаль эса марокашлик Халид Буламида қолди.

Кениялик спортчилар 10000 метрга югуришда конкурсдан ташқари иштирок этдилар. Марага биринчи бўлиб Тэгла Лоруппе етиб келди, 2 бўлиб эса жаҳон чемпиони Салли Барсосио. Хитойлик Дон Янмей бронза медаль билан тақдирланди.

36 ёшли Америка спортчиси Джеки Джойнер-Керси, уч карра олимпиада чемпиони, жаҳонда мавсумнинг энг яхши натижасини кўрсатиб (6502 очко), етти кураш бахсларида ғалаба қозониб, олтин медаль билан тақдирланди. Унинг дугоналари Диди Натан ва Келли Блейер-Лабаунтилар 2-3 ўринларини бўлишиб олишди.

Учхатлаб сакрашда чехиялик Шарка Кашпаркова (14 м 76 см) мусобақа шоҳсупасининг юқори поғонасини забт этди. Россиялик Татьяна Лебедова кумуш, америкалик Тиомбе Хрд бронза медаль билан тақдирланишди.

Шунингдек, эстафетача югуришда аёллар жамоалари ўртасида 1-2-3-ўрин эгалари аниқланди. 100 метрга 4 марта югуришда. - АҚШ, Багама, Россия спортчилари, 400 метрга 4 марта югуришда - Ямайка, АҚШ, Россия спортчилари 1,2,3-ўринларни эгаллашди.

Гимнастикачилар бахсида бревнода америкалик Кристин Мэлоуни биринчи ўрин эгаси бўлди. Украиналик Ольга Тесленко ва руминиялик Корина Унгуряну 2-3 ўрин билан кифояланишди. Эркин машқларда АҚШ вакили Ванесса Атлерга тенг келувчи рақиб топилмади. Руминиялик Симона Аманар эса кумуш медаль олди. Корина Унгурянка бу сафар ҳам бронза билан қаноатланди.

Дониёр ЮСУПОВ,
шарҳловчи.



Ҳар тўғрида

«ИНСОНИЯТ АФРИКАДАН ТАРҚАЛГАН»...

Жанубий Африка Республикасида яқинда ўтказилган халқаро конгресс бўлиб ўтди. Унда фан тарихида биринчи марта дунёнинг энг машҳур биолог ва палеонтологлари тўпландилар. Ушбу анжуманда маъруза қилган англиялик олим Стринжер инсониятнинг тадрижий ривожланиши масаласига тўхталиб: ажабтовур бир мунозарабоп тахминни илгари сурди ва бу гипотезани олимнинг ҳамфикрлари «Инсоният Африкадан тарқалган» деб атай бошладилар. Стренжернинг фикрича, дастлабки инсонларнинг ҳаммаси қора танли бўлган. Африкадан Европага одамларнинг аста-секин кўчиб ўтиши ва уларнинг бу ерда яшаб қолиши ва албатта шимолий яримшар иқлимининг таъсири остида кишилар танасининг ранги ўзгара бошлаган.

Инглиз олими Стринжернинг фикрини жанубий африкалик профессор Тревор Женкинс ривожлантириб, яна бир неча минг йиллардан кейин инсонлар яна ибтидо ҳолатига айланар: яъни «оппоқ чеҳралар» яна қораяр эмиш.

«Ҳамма Африкадан тарқалган» деган ибора бундан ўн йиллар бурун Кения ва Жанубий Африкада ўтказилган текширувлар ва янги археологик топилмалар натижасида юзага чиқди. Олимларнинг айтишларича, дастлабки инсонлар бундан 60-100 минг йиллар илгари Африка қитъасида пайдо бўлганлар ва шу ердан бошқа қитъаларга тарқалганлар.

ЎҚИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Англиянинг Женни Ветериж «Ўқишнинг кечи йўқ» деган иборани яна бир бор исботлади. У 83 ёшида чет тилларни ўрганишга киришган ва 7 йилда, яъни 90 ёшида немис, француз, итальян ва испан тилларини мустақил ўрганди. Шу ёшида ўрганган тилларидан муваффақиятли имтиҳон топширди.

9 ЁШЛИ РИЗО

Техронлик 3-синф ўқувчиси 9 яшар Ризо Муҳаммадий Пасонад кўп риёзат чекиб, илм олганидан сўнг Қуръони Каримни 10 тилга - инглиз, француз, олмон, форс, испан, итальян, турк, рус, япон ва урду тилларига таржима қила бошлади. Ўзининг эътироф этишича, бу ишда унга ота-онаси катта ёрдам беришган. Боланинг отаси бир нечта тилни бемалол билади. Волидаси эса Қуръони карим ва исломий билимлар муаллимидир.

АЛ-БУХОРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1225 ЙИЛИГИГА



Мамлакатимиз буюк аллома Ал-Бухорий туғилган кунга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Чунончи рассомлар ўтмишдошимиз қиёфасини полотнода акс эттиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Суратда: рассом Д.АСРОНОВ ижод пайтида.

Р.ШАГАЕВ (ЎзА) суратга олган.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Қирғизистонда иш олиб бораётган канадалик олтин тозаловчилар яқинда бўлиб ўтган воқеадан тегишли хулоса чиқариб олмаган кўринадилар. Куни кеча шу ширкатга қаровчи танкердан сувга яна 70 килограмм азот кислотаси оқиб тушган. Бу нарса ўша ердаги экологик вазиятнинг бузилишига таъсир ўтказиши шубҳасиз.

***

Тавил дарада яқинда ўлдирилган халқаро ташкилотларнинг тўрт вакилининг фожеасини БМТнинг республикадаги вакили Ян Кубеш «БМТ тарихида энг мудҳиш ходиса» деб атади ва республика ҳудудида иш олиб бораётган халқаро ташкилотларнинг кишиларини пойтахтга чақириб олди. Шунингдек айбдорларини топиб жазолаш лозимлигини айтди. Шу воқеа муносабати билан Тожикистон Президенти И.Раҳмонов БМТ Бош котиби К.Аннан номига мактуб йўллаб ўз таъзиясини билдирди.

Президент бундан буён чет элликлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўриқчиларни кўпайтиришга ваъда берган.

***

Қозоғистон мудофаа вазири Мухтор Атинбоев яқинда Америкада бўлиб қайтди. Ташриф чоғида вазир океан ортидагилар билан иккала мамлакат ўртасидаги стратегик ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилган.

***

Туркманистонда яқинда катта тантана «Ҳосил байрами» бўлиб ўтди. Бу йил республикада энг рекорд ҳосил яъни 1,240 минг тонна дон йиғиб олинган. Шу муносабат билан туркманбоши учинчи марта республиканинг «Олтин ой» олий нишони билан тақдирланди. С.Ниёзов тантаналарда сўзлаган нутқида 2000 йилга бориб республикада икки миллион тонна дон етиштирилиши ва Туркманистон дунёга дон экспорт қиладиган давлатлар қаторига қўшилишини айтган.

***

Эрон радиосининг хабарича, 1994-1997 йиллар ичида Қозоғистонда яшаган 993 минг русийзабон фуқаро бошқа давлатларга кетиб қолган. Шу вақт ичида эса 154 минг киши бу республикага яшаш учун келган. Шу давр мобайнида Қирғизистондан 126 минг русийзабонлар кетиб 35 минг қайтиб келган бўлса, бу рақам Тожикистон бўйича 141 минг ва 15 мингни ташкил этади.

СЎНГГИ ИХЛОС ҚУДРАТИ

Тўқ яшил нақшин муқовали китобнинг ичида битта гул салкам бир асрдан буён сақланади. Китобдаги ёзувни ўқишга бировнинг «тиши» ўтмагани боис уни варақлашга ҳам ҳадди сиғмас, фақат менгина гулни кўриш илинжида китобни очардим. Маҳкамроқ тутсанг кукун бўлиб тўкилиб кетадиган бу гулни баргиданми, бандиданми, ё нафис, шилдироқ япроқлариданми, ажойиб мушк таралади. Шу гулга термулсам хаёлим кўшкида гул эгаси Аёл юз очаверади.

... Сурманисо эди исмлари. Тандиркаш Каримнинг қўрғондек ҳовлиси фаришталари, ой рухсорли, сочининг узунлигидан учини тугиб камзулининг чўнтагига солиб юрарди.

Бир йил бу ҳовлига баҳор қулф уриб кирди-ю Сурманисонинг кўнгли баҳорламади. Эри кеч кузакдан буён тўшакка михланиб ётарди-да.

- Осмонда ой каттарди. (Баҳорнинг биринчи ойи ўқлоғ ой деб аталади, яъни бу вақтда ой катталашади).

- Болангиз бошини кўтармаяптилар. Эрта саҳар яна табибга бораман,- дея кўзи ёшли боқарди қайнонасига.

- Тоқатингдан айланай келин, қиш ичи бозор, табиб деб вужудингни совуқ қа бердинг. Энди ўзингни ўйла, энди бунинг дардини Оллоҳга ҳавола эт.

«Ҳали кўргонимнинг султони бўлиб узоқ яшайсиз бегим! Сизни то тортиғингиз ўн беш кунлик ой шаклли монанд тилла балдоғим, зумрад ақиқ тошли мунчоқларим қутида сарғаймасун. Ҳилпираган ғазна ипакли атлас кўйлакларим этагига ҳали кўп зуриёдларингизни солай, сиз ўлмайсиз, сизни шу кўлларим билан даволайман».

Сурманисо кўнгли ичра айланиб юрган гапларни бир сўзинида қайнанасига айтмайди-ю, қоронғу саҳар от аравага уч-тўртта тандирни юклаб йўлга чиқарди. Замоннинг нозиклигиданми у эркакча кийиниб отни эгарларди. Катта-катта новвой тандирларни уч ўғли билан қуриб ташлайдиган аёлнинг қадди-қомати ҳам полвон йигитларга хос эди. Қурган тандирларининг бозори чаққон, пешинга қолмай сотарди-да, қайтишида табибни ола келарди.

Табибнинг бу ҳовлига қатнови икки ойга чўзилди. Тоғдек одам, муштдеккина бўлиб кўрпа четини ҳимарганича шипга тикилиб ётаберди.

- Энди мени дема, Сурманисо, уч болангни де, мен сендан розиман.

- Бу гапларга кўнглим келмайди, тўрам, сиз ҳали отдек бўп кетасиз!

Қайнанаси чиллада тандир қурдирмай қўйгач, Сурманисо кечалари дўппи тикди. Унта-ўнта дўппини узун хун-бақасам тўнининг қўйнига солиб, отини миниб бозорга кетади. Оталари илҳақ бўлмасин деб дўппиларни атторга берарди-да, пулини олиб уйга қайтади. Ичкари кирса болалари оталарининг атрофида парвона ўтиришар, тўнғичининг қўлида албатта Ёсин китоби бўларди.

- Ёруғ юлдузларим-ей, очиқдиларингми,- дея бир тугунча тўла қоққи билан новвотни дастурхонга тўкиб беради.

Кейин чўнтагидан рўмолчага ўроғлиқ нарсани оларди.

- Пошшобегим бердилар. Анор суви билан ёзилган суралар экан, бош эгачийзга эзиб ичиринг, дедилар.

Пиёладаги бир ҳўплам сув қоғоз чайилган, қип қизил анор сувига айланади. Уни ичгач отанинг юзига ранг югуради. Афсуски, анорли сувларнинг ниҳояси бор эди.

Пошшобегим қайтиб бу сураларни эзиб ичиришга рухсат бермадилар. Қора анор суви кўп ичилса, рутубат келтирармиш.

- Сиз нимага қодирсиз Сурманисо,- деди келинбуси бир куни,- Ундан кўра ярим кечаси уйқудан уйғониб истиғфор айтинг: ягона умид Оллохдандир.

Айни ажойиб саҳарда Сурманисо пок шабнамлар томган гул япроқларини битталаб териб олди. Уларни кичкина келичага солиб эринмай янчди. Гул сувини сутга қўшиб беморига ичира бошлади.

- Бу менинг сўнгги ихлосим,- юрагидан ўтказди Сурманисо. - Мехригиёҳ бўлса ажабмас. Эй худойим илинжимни сўндирма!

Уч кун деганда беморнинг яктаги ивиди. Ажабки, яктакдан қашқари гулнинг ҳиди келарди... Унинг кўзларига нур кирди. Тўшакни тарк этди. Болалари унинг кучоғига отилдилар, Сурманисо миниб юрадиган отга бир сакраб чиқадиган бўлди бошпаноҳ.

Ўша-ўша бу ҳовлида қашқари гуллар хазонга айланмади. Япроқлари энди тўкилай деб турган маҳал териб олинади. Мис кўзаларга солиниб дармондори, гулқанд пиширилади. Айниқса гулқанди ўн йил ўтсин, асал каби айнимайди. Шираси томоқни оладди. Сурманисонинг бу кашфиёти шаҳару қишлоққа ёйилгани рост. Оқила, билимдон аёл умри поёнига етаётган лаҳзаларда ҳам дилбандларидан ўша гулдан битта узиб келишини сўради. Улар оналарининг икки томонини қашқари гулларга тўлдириб юборишди. Сурманисо гулнинг бир донасини-ёш ниҳолчасини узиб олдида энг яхши кўрган китоби орасига яшириди. Буни биров пайқамади. Кейин гулларга кўмилганича сарҳуш бўлиб оҳиста кўзларини юмди.

Маъмура АБДУРАҲИМОВА,
Фарғона вилояти.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ВАЗ тизимининг фирмали автомарказлари «Ўзбек-Лада» акционерлик уюшмасига бирлашиб «ЎзДЭУ автоК» акционерлик жамиятининг расмий дилерлари сифатида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Тико» ва «Дамас» автомобилларини сотишни давом эттирмоқдалар. Биз сизга шуни мамнуният билан маълум қиламизки, автомобилларнинг исталган рангдаги хилма-хил моделлари сотувда ҳамиша бор. Улар «Ўз ДЭУ авто К» акционерлик жамиятининг заводидан темир йўл транспорти орқали тўппа тўғри автомарказларга келтирилмоқда.

Сотув жараёнида юқори сифатли хизмат ва хужжатларни тезда расмийлаштирилишини кафолатлаймиз. Ташқи кўринишининг кўркамлиги ва ички қисмларининг созлигини таъминлашга қаратилган ҳамда машиналар тагини занглаш ва чиришдан асрайдиган ишловлар берилади. Сотиш олди тайёрлигини ўтказиб, кафолат ва кафолатдан кейинги хизматлар кўрсатилади.

Ҳақ тўлаш исталган турда. Бизнинг манзилларимиз:

1. Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси 44-уй, «Ўзбек-Лада» Акционерлик бирлашмаси. тел: 76-13-11, 76-87-99, 76-85-08
2. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Савдо расталари қаторидаги автосалон, тел: 144-22-98
3. Андижон шаҳри, 5-микрорайон, Амир Темур кўчаси 18. «Шаҳрихон-Лада» АЖ.Тел:(8-374-2) 26-95-48, 26-73-26.
4. Фарғона шаҳри, Тўқимачилар кўчаси 3 «Фарғона-Лада» АЖ. Тел:(8-373-2) 25-66-71, 25-74-92.
5. Наманган шаҳри, Айний кўчаси 88 «Наманган-Лада» АЖ. Тел: (8-369-22) 4-28-44, 4-28-08.
6. Янгиер шаҳри, 37- квартал, «Янгиер-Лада»АЖ. Тел:(8-367-3) 72-34-78, 72-27,20.
7. Жиззах шаҳри, Р.Исаев кўчаси «Санзор-Лада» АЖ.Тел:(8-372-22) 3-47-79.
8. Бухоро шаҳри, Моҳи-Хоса кўчаси 22 «Ситора-Лада» АЖ. Тел: (8-365-22) 4-49-80, 4-56-65.
9. Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси 3.ЗАЗ автомаркази АЖ.Тел:(8-366-2) 29-17-25.
10. Қарши шаҳри, Нақшаб кўчаси 99.»Қашқадарё-Лада»АЖ. Тел: (8-375-22), 3-69-92, 3-62-92.
11. Ангор шаҳри, Ангор тумани, М.Азизов номли жамоа хўжалиги, « Сурхон-Лада» АЖ. Тел: (8-376-31), 2-26-60, 2-29-86.
12. Навоий шаҳри. Кармана,Рахимов кўчаси 6.»Навоий-Лада» АЖ. Тел: (8-436-53) 3-42-15,2-37-14.
13. Хива шаҳри, Обводная кўчаси,1. «Аму-Лада» АЖ. Тел: (8-362-37) 5-36-97.
14. Нукус шаҳри, Беруний кўчаси, 1. «Орол-Лада» АЖ. Тел: (8361-22) 3-39-00.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БУЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маданият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тиҳорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Таҳририятимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Босишга топшириш вакти — 21.00
Топширилди 22.50

Буюртма Г—0182 Нусхаси — 15 368 Масъул нарбатчи: Улуғбек КОЗОКОВ 1 2 3 4 5 6